

# МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 5 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Гулбахар АБЫЛОВА  
Өсербай ӘЛЕЎОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестиріушілер:**

Қарақалпақстан Республикасы  
Халық билимлендириу  
Министрлиги, ӨЗПИИИ  
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы  
Министрлер Кабинети  
жанындағы Жоқарғы  
Аттестация Комиссиясы  
Президиумының 25.10.2007  
жыл (№138) қарары менен  
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм  
хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гууалық  
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00  
e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)

*Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хэм узликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жууанкер.*

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Asqarov M.A., Gubanova T.</b> Matematikani o'qituvda informatsiyaliq texnologiyalarini elementlari .....	96
<b>Қасымов С.</b> Математика сабагин машқалалы оқытуда кейс методина анык интеграллар есабын шешиуге колланыу методикасы .....	100
<b>Bisenbaev I.Q.</b> Talinge xabar texnologiyalarin engiziwidin ahmiyeti ham natijeleri .....	104
<b>Rashidov S.G'.</b> Uzlüksiz spektrda sanoqli xos qiymatlari bo'lgan massali Dirak operatorini qurish .....	108
<b>Исроилова Л.С.</b> Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан компетенцияларини шакллантириш муаммолари .....	117
<b>Султанов Т.М.</b> Бошланғич математика курси назарияси фанини ўқитишда ал-хоразмий ижодидан фойдаланиш .....	121
<b>Toxirov F.J.</b> Oliy ta'lim muassasalari talabalarining dasturlashga oid algoritmik fikrlashini rivojlantirish muammolari .....	124
<b>Орыпбетов Н., Султанбаев Қ.</b> Умумқасбий фанлар бўйича электрон таълим ресурслари базасини яратиш ва уларнинг масофадан фойдаланиш методикаси .....	127
<b>Orinbetov N.</b> Umumkasbiy fanlarni o'qitishda talabalarning mustaqil fikrlashlarini shakllantirish .....	132
<b>Сапарова А.А.</b> Исторические и теоретические аспекты проблемы изучения интеграла в общеобразовательной школе .....	138

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

<b>Karimova A.M., Hakimova M.O'.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalarni atrof-olam bilan tanishtirishda didaktik o'yinlardan foydalanish .....	141
<b>Ғанибаева Б. Ш., Мамбеталиев Қ. А.</b> Бастауыш сынып өзбек және қазақ тіліндегі ана тілі оқулықтарының салыстырмалы сипаты .....	143
<b>G'ulomova X.</b> Boshlang'ich sinf o'qish darolarida asar tahlili vositasida o'quvchilarning kitobxonlik ko'nikmalarini shakllantirish .....	148
<b>Жабборова О.М.</b> “Бошланғич таълимда “тарбия” фанини ўқитиш методикаси” ўқув фанининг асослари .....	152

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

<b>Abdulaxatov A.R.</b> Kurashchilar musobaqa faoliyatida hujum, himoya, qarshi hujum va ogohlantirishlar .....	156
---	-----

В этой статье обсуждается, как повлиять на эмоции, художественную точку зрения и культуру речи учащихся посредством отбора качественных литературных произведений, образцов фольклора и анализа произведений искусства для чтения в начальной школе.

This article discusses how to influence students' emotions through the selection of high-quality literary works, folklore samples and analysis of works of art for primary school reading, to ensure that they acquire an artistic point of view, a culture of speech.

## “БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ЎҚУВ ФАНИНИНГ АСОСЛАРИ

*Жабборова О.М.*

*ТВЧДПИ*

**Таянч сўзлар:** таълим, бошланғич, тарбия, фан, ўқитиш, методика, асос, билим, асос, ёндашув.

**Ключевые слова:** образование, начальное, воспитание, наука, обучение, методика, основы, знание, подходы.

**Key words:** education, primary, upbringing, science, training, methodology, basics, knowledge, approaches.

Ўзбекистонда олий педагогик таълим жараёнида профессионал ўқитувчиларни тайёрлашда икки асосий омилга таянилмоқда: биринчидан, бўлажак профессионал ўқитувчиларни таълимнинг миллий ва халқаро дастурлари асосида тайёрлаш; иккинчидан, бўлажак профессионал ўқитувчиларни касбий тайёрлашда уларнинг компетенцияларини кенгайтириб бориш. Шу сабабли бунинг натижа-сида Ўзбекистонда тайёрланаётган профессионал ўқитувчилар келгусида халқаро миқёсда ҳам касбий фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

Бу жараёнда айниқса, таълим тизимида замонавий ва жамият эҳтиёжларига асосан янги ўқув фанларини жорий этиш ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2020 йили умумий ўрта таълим тизимида бутунлай янги ўқув фани “Тарбия” предмети амалга кири-тилди [1]. Бу фан ёш авлодни миллий, умуминсоний ва демократик кадрлар асо-сида 18 ёшга қадар вояга етказиши керак. Шу сабабли 2020 йил 26 ноябрда умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фани бўйича Давлат таълим стандартлари, давлат малака талаблари ва фаннинг ўқув режаси ҳамда дастурлари тасдиқланди [2]. Буларнинг барчаси олий педагогик таълим жараёнида “Тарбия” фанини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишни амалга оширувчи профессионал ўқитувчиларни тайёрлашни тақозо этади. Чунки янги “Тарбия” ўқув фани эски стереотиплардан ҳоли тарзда тарбиянинг янгича ёндашуви асосларига таяниб ўқитиш вази-фасини кўяди. Шу сабабли бу фан бўйича янги авлод профессионал ўқитувчиларини тайёр-лаш долзарб бўлиб турибди.

Мазкур эҳтиёжларни амалга ошириш йўлида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб олий педагогик таълим жараёнида “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” янги ўқув фани ишлаб чиқилди. Бу мутахассислик фани келгусида бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитишни амалга оширадиган профессио-

нал бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда таянч ҳисобланади. Шу сабабли бу ўринда эътиборингизни ана шу фаннинг асослари масаласига тортаман.

Олий педагогик таълим жараёнида ўқитиладиган “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фани куйидаги асосларга эга:

1. Фаннинг назарий асослари. Мазкур фаннинг назарий асосларини куйидагилар ташкил этади:

- “Тарбия” фани ва унга оид меъърий ҳужжатлар;
- мазкур фаннинг миллий ва ҳалқаро педагогик манбалари;
- фаннинг негизини ташкил этувчи миллий ва умуминсоний қадриятлар концепцияси;
- фаннинг методологик асосини ташкил этувчи миллий ғоя контексти;
- фаннинг асосий педагогик тамойиллари.

Бу назарий асослар “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фанини ўқитишнинг таянчлари ҳисобланади.

2. Фаннинг дидактик асослари. Ушбу фаннинг дидактик асосларини куйидагилар ташкил этади:

- “Тарбия” фанини бошланғич синфларда ўқитиш хусусиятлари;
- мазкур фаннинг ўқитишнинг ноанъанавий шакллари;
- ушбу фанни ўқитишнинг масофавий таълим шакли;
- бу фанни ўқитишнинг инклюзив таълим шакли;
- фанни ўқитишнинг электрон-модулли шакли.

Эътибор берилса, олий педагогик таълим жараёнида ўқитиладиган “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фанининг бу дидактик асослари бутунлай янгича ёндашувлар ва дидактик хусусиятларга асосланган.

3. Фанни ўқитиш амалиёти. Бу фаннинг ўқитиш жараёнида такомиллаштириб бориш асослари мавжуд. Бизнинг ёндашувимизга кўра, бу такомиллаштириб боришнинг асосий амалиётлари куйидагилардан иборат:

- “Тарбия” фанини ўқитишни такомиллаштиришнинг амалий асослари;
- бу фанни ўқитишнинг такомиллаштиришнинг амалий шакллари;
- мазкур фанни ўқитишни такомиллаштиришнинг амалий механизмлари;
- амалий асосларга асосан фанни ўқитишни такомиллаштириб бориш индикаторлари.

Диққат қилинса, мазкур амалий асослар, шакллар ва механизмлар воситасида “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фани ўқитишни назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириб бориш механизмлари мавжуд.

“Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фани ана шундай янгича асосларга асосан олий педагогик таълим жараёнида ўқитилади. Бунинг натижасида мазкур фан бўйича тайёрланадиган бўлажак профессионал ўқитувчилар куйидаги касбий компетенцияларга эга бўлади:

- фанни ўқитиш бўйича назарий билимлар, қарашлар ва тушунчаларни эгаллайди;
- фанни ўқитиш дидактикаси, унинг хусусиятлари ва ўқитиш шакллари билан қуролланади;

- фанни ўқитиш жараёнида амалий асослар бўйича мунтазам такомиллаштириб бориш кўникмасини эгаллайди;
- мазкур фан бўйича таълим ва тарбия олганликни аниқлаш индикаторларини эгаллайди.

Бундай касбий компетенциялар воситасида “Тарбия” фани бўйича бўлажак профессионал ўқитувчиларни тайёрлашни амалга ошириш бугунги олий педагогик таълим жараёнида турган муҳим вазифалардан биридир.

Олий педагогик таълим жараёнида тайёрланадиган бўлажак профессионал бошланғич синф ўқитувчиларини янги ёндашувлар ва технологиялар асосида амалга оширилади[3]. Бунда шакллантирилган “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фани муҳим ўрин тутди.

Шундай қилиб, “Бошланғич таълимда “Тарбия” фанини ўқитиш методикаси” мутахассислик фанини олий педагогик таълим жараёнида ўқитиш асослари ва унинг воситасида “Тарбия” фани бўйича профессионал бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг ўзига хос методологияси мавжуд. Эндиги вазифамиз мазкур йўналишлар бўйича янги ва инновацион ўқув адабиётларини яратишдан иборат.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июндаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 ноябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасалари учун “Тарбия” фани давлат таълим стандартлари ва малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. // [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)

3. Жабборова О.М. Ўқитишнинг кредит-модуль тизимида ўқув фанларини танлаш тамойиллари. *Academic research in educational sciences*, 2(6),2021, pp 1095-1099

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган “Тарбия” фанини олий педагогик таълим жараёнида ўқитиш методикаси ўқув фанининг асослари таҳлил қилиб берилган. Мазкур ёндашув олий таълим педагогикасида илк бор ёритилмоқда.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы основы предмета «Воспитание» в которые обучается высшей образование Узбекистане и её методические основы. Данные научный подход первым является в педагогике высшей образование.

SUMMARY

The article analyzes the fundamentals of the subject «Education» in which higher education is taught in Uzbekistan and its methodological foundations. This scientific approach is the first to appear in the pedagogy of higher education.

